



ЎЗНИНГ ИНТЕНСИВ ВА ДАВОМИЙЛИГИ ТУРЛИ ХИЛ ЗОТДАГИ АСАЛАРИЛАР МАХСУЛДОРЛИГИГА ТАЪСИРИ

¹М.М. Тажибоев,

²О.С. Тўраев

Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти
Чорвачилик ва паррандачилик илмий тадқиқот институти
<https://www.doi.org/10.5281/zenodo.7890968>

ARTICLE INFO

Received: 25th April 2023

Accepted: 02nd May 2023

Online: 03rd May 2023

KEY WORDS

Асал жиғилдони, гулшира,
гулчанг, карпат, италянка
зоти, украина чўл асалариси.

ABSTRACT

Мақолада Фарғона водийси шароитида боқилаётган турли хил зотдаги асалариларнинг асал жиғилдонининг ва асаларилар томонидан тўпланаётган гулчанглари вазни тўғрисида маълумотлар келтирилган.

Мавзунинг долзарблиги: Асалариларни фойдали ва сердаромад томони шундаки, улар ўсимлик гулларини четдан чанглатиш йўли билан, турли хил экинлар ҳосилдорлигини 10-60 % гача оширади. Республикамиз шароитида кенг майдонларда экиладиган ғўза, беда ва бошқа қишлоқ хўжалиги экинлари, озуқабоп хаамда полиз экинлари гулларини четдан чанглатишда, асаларилар муҳим ўрин тутди [3]. Шу боис, Республикамиз асал етиштиришда салмоқли ўринларда туриши мумкин. Айни пайтда Республикамизда 1 млн 140 мингдан зиёдроқ асалари оиласи мавжуд, асаларичилик ривожлантириш ва маҳсулот етиштиришни кўпайтириш учун барча имкониятлар мавжуд.

Асаларилар етарли миқдорда асаларичилик маҳсулотларини тўплаш учун асаларилар оилаларини ўсиши варивожланиши учун имкон қадар кўпроқ гулчанги ва гулшираси ташиш мақсадга мувофиқдир, бу эса асалариларнинг кунлик учиш фаолигини оширади. Асалариларнинг чанглатиш қобилиятини, уларнинг парвоз фаолияти, гулчанг йиғиш қобилияти, асал жиғилдони ҳажмига [2] маълум бир ботаник турдаги ўсимликлардан гулшира йиғишида асалари оилаларининг асал маҳсулдорлигига ва бошқа баъзи бир хусусиятларига кескин боғлиқ бўлади.

Кузатишлар шунини кўрсатдики, 2021 йил июн 6 ойининг ўрталарида Карпат асалариларнинг эрталабки парвози соат 5 дан 50 дақиқада, маҳаллий асаларилар соат 5 дан 55 дақиқада, италия зоти соат 6 дан бошланган. Кучли асалари оилалари ўртача оилаларига нисбатан 15-20 дақиқа олдин учиш кетади ва 3-4 дақиқадан кейин ўз уясига яна қайтиб келади [1,4].

Асал йиғиш пайтида асаларилар уясига келадиган юки билан ва уларнинг асалари оиласини маҳсулдорлиги ўртасида тўғридан-тўғри боғлиқлик мавжудлиги аниқланди. Бу тўғридаги маълумотлар ва асалари жиғилдонининг ҳажми қуйидаги 1-жадвалда келтирилган.



1-жадвал. Турли зотдаги асалариларда асал жиғилдонининг ҳажми , (мг)

Асалари зоти	2021 yil				2022 yil			
	Гулшира билан уясига учиб келган асаларилар вазни	Уясидан учиб кетган асаларилар вазни	Асал жиғилдонини ҳажми	Асал жиғилдонини ҳажми назоратга нисбатан % ҳисобланади	Уясига учиб келган асаларилар вазни	Уясидан учиб кетган асаларилар вазни	Асал жиғилдонини ҳажми	Асал жиғилдонини ҳажми, % назоратга нисбатан ҳисобида
Карпат асалариси	142,3±2,20.	100,1±1,80	41.2	161.8	102.6	102,6	41.8	123.1
Италянча асалариси	139,6±4,73	103,3±2,17	37.8	135.9	144,4	103,8	40.3	114.6
Украина чўл асалариси	151,5±4,12	116,3±2,48	47.6	210.6	- 151,5±4,12	- 106,3±2109	-47,5	-210,8
Маҳаллий асалариси	142,5±2,28	109,1±3,87	33.1	100,0	145,1	107,4	37.7	100,0

1-жадвал маълумотларидан кўринаяптики турли хил зотдаги асалариларнинг асал жиғилдонинг ҳажми ҳам ҳар хил бўлган. Украина чўл асалариларнинг асал жиғилдонинг ҳажми 47,6 мг бўлса, бу кўрсаткич карпат зотли асалариларда 41,2 мг.ни ташкил этмоқда ёки бу кўрсаткич карпат зотига нисбатан 115,5 % га, италяни зотига нисбатан 125,9 % га ва маҳаллий асалариларга нисбатан 143,8 % га кўпдир ($P > 0,999$).

Худди шундай, 2022 йилдаги тадқиқотларда ҳам Украина чўл асалариларда асал жиғилдонинг ҳажми 47,5 мг.ни ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич карпат зотли асалариларда 41,8 мг.ни ташкил этган. Ёки бу кўрсаткич италян асалари зотига нисбатан 115,0 % га, маҳаллий асалариларга нисбатан 115,3 % чўл бўлганлиги аниқланди ($P > 0,999$).

Шунингдек, 2021 йилда турли хил зотдаги асалариларнинг уясига олиб келган гулчанглари вазни ҳам текшириб ўлчаб олинади. Бу тўғридаги маълумотлар қуйидаги 2-жадвалда келтирилган

Бир маротаба парвоз давомида уясига гулчанг олиб келиши 3 дан 6.5 мг гача бўлган ва унинг қиймати парвоз масофаси, зоти ва йиғиш вақтига боғлиқ эканлиги аниқланди.



2-жавдал. 2021 йилда турли хил зотли асалариларнинг гулчанглари вази (мг)

Асалари зотлари	Гулчанги билан келган асаларилар вази (мг)	Гулчангсиз асаларилар вази (мг)	Назоратга нисбатан, % ҳисобида	Гулчанг оғирлиги (мг)
Карпат асалариси	122,0±2,33	100,1±1,68	120,6	20,1
Италянча асалариси	124,2±2,60	103,3±2,17	120,2	20,9
Украина чўл асалариси	128,3±3,40	106,3±2,48	120,0	21,4
Маҳаллий асаларилар	128,8±3,14	109,1±3,78	117,1	18,7

2-жадвал маълумотларидан маълумки турли хил зотдаги асаларилар ўз уясига турлича ҳажмда гулчанг олиб келиши аниқланди. Хусусан, Украина чўл асаларилари олиб келган гулчанглари ҳажми 21,4 мг.ни бир мартаба ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич карпат ва италян зотларида 20,1 ва 20,9 мг.ни ташкил этган. Ёки бу кўрсаткич Украина чўл асалари зотларига нисбатан 94,1-95,4 % га кам бўлган. Шунингдек маҳаллий асаларилар тўплаган гулчанглари вази 18,7 мг.ни ташкил этган ёки бу кўрсаткич Украина асалари зотига нисбатан 2,7 мг.га, 87,3 % га кам бўлганлиги аниқланди.

Шундай қилиб Фарғона водийсида боқилаётган турли хил зотдаги асаларилар ёзнинг интесев давомийлигидан унумлиги фойдаланиб оила махсулдорлигининг оширишда гулшира ва гулчанги тўплашлари турлича бўлиши аниқланди. Хусусан водий иқлим шароитида Украина чўл асалари зоти икки йиллик тажрибаларимизда ўзининг серунумлигининг намоён этганлиги аниқланди.

References:

1. Кози Р.Б, Абдурахмонова С.Г, Маркова Е.В Летняя деятельность пчел разных пород. Ж. П-во, 2007, №8, ст 14-15
2. Кулдашев Ф.Х. Масса медового зобика и содержание воды приносимим кектара и пчел местной популяци в условиях Узбекистана. Достижекие моледых ученых верозвитии сельскохозяйетвенной науке и АПК Сборник метерислов VIII-и международной научно-практической конферекиии молодых чених: Астрохань, 1919, стр 213-216.
3. Махмадияров О.А. Ўзбекистонда асалари махсулдорлигини оширишда табиий ва минерал озукалардан фойдаланиш технологиясини такомиллаштириш. Автореферат дисс (PhD). Самарқанд, 2020.
4. Суяркулов Ш.Р Увеличение урожайности плодовых деревьев после опыления в Узбекистана. Ж.Пчеловодство, 2022, №5, стр 62-63.